

"ЎЗБЕКИСТОНДА ЯШАШ УЧУН
ҚУЛАЙ ВА БАРҚАРОР ШАҲАРЛАР"
ДАСТУРИ
(PforR)

Мундарижа

- A. Кириш - PforR ҳақида қисқача маълумот
- B. ЭИТБ мақсади ва методологияси
- C. PforR нинг кутилаётган экологик ва ижтимоий (Э&И) таъсирлари
- D. PforR нинг эҳтимолий Э&И таъсирларини бошқаришга оид Ўзбекистоннинг ҳуқуқий ва меъёрий асослари
- E. PforR нинг эҳтимолий Э&И таъсирларини бошқаришда институционал салоҳиятни баҳолаш
- F. Ўзбекистон Э&И тизимларининг Жаҳон банки асосий тамойиллари билан қиёсий таҳлили
- G. Тавсиялар ва чора-тадбирлар

Ўзбекистонда яшаш учун қулай ва барқарор шаҳарлар дастури (PforR)

- **Мақсадлар:** Маҳаллий бошқарув органларининг такомиллаштирилган ҳамда кенгайтирилган коммунал инфратузилмани режалаштириш ва етказиб бериш салоҳиятини ошириш
- Ушбу босқичда 12 та вилоят ва Қорақалпоғистон Республикасидаги (ҚР) **16 та туман/шаҳар иштирок этмоқда**
- **Натижаларнинг иккита соҳаси (НС):**
 - ❖ НС1: Фуқаролар ва хусусий секторни фаол жалб этган ҳолда инвестицияларни режалаштиришни такомиллаштириш (**туман/шаҳар даражасидаги инвестиция режаларини, 15 йиллик истиқболли режаларни ва стратегик инвестиция ҳудудларининг бош режаларини тайёрлаш**)
 - ❖ НС2: Такомиллаштирилган ва кенгайтирилган шаҳар инфратузилмаси (**иштирокчи туманлар/шаҳарларда инвестиция режаларини амалга ошириш**)
- PforR дастури **Техник кўмаклашиш (ТК) компоненти**га эга. ТК компоненти PforR ни амалга оширишни қўллаб - қувватлайди.

Иштирокчи туманлар ва шаҳарлар



Инвестиция режалари қуйидаги шаҳар инфратузилмаларини такомиллаштиришни молиялаштиради:

Йўллар ва транспорт: туман ва шаҳар йўллари, пиёдалар йўлаклари ва велосипед йўллари, кўча ва хавфсизлик чироқлари (қуёш энергиясидан фойдаланиладиган) ҳамда йўл жиҳозлари ва бошқаларни қуриш. (Мажбурий ер олиб қўйиш бундан мустасно)

- **Сув таъминоти ва канализация:** хавфсиз ва бўшатиладиган жамоат ҳожатхоналари, жамоат септик идишлари, бўшатиш ва ташиш хизматлари ҳамда ускуналари (масалан, вакуумли юк машиналари, вакуумли аравачалар ва бошқалар), сув ва оқава сув тармоқлари, тизимларга маҳаллий уланишлар, сув тақсимлаш тармоқлари (оқава сувларни тозалаш иншоотлари қурилиши ва хусусий уланишлар бундан мустасно)
- **Дренаж ва тошқин сувларини назорат қилиш:** шаҳар ва туман дренаж тизимлари; тошқин сувларини назорат қилиш усуллари (мавжуд каналлар бўйлаб, масалан, дренаж каналларини ҳимоя қилиш), ёмғир сувлари дренаж тизимини қайта тиклаш (дренаж мос сув ташлаш иншоотига эга бўлиши шарт)

Инвестиция режалари қуйидаги шаҳар инфратузилмаларини такомиллаштиришни молиялаштиради... (давоми)

- **Жамоат жойлари ва объектлари:** жамоат очиқ майдонлари, жамоат бозорлари, жамоат заллари, болалар муассасалари, савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари жойлашган ва 24/7 режимда ишлайдиган кучалар
- **Муниципал активларнинг** катта ва кичик эксплуатацияси ҳамда техник хизмат кўрсатиш (шу жумладан, йўллар ва коммунал хизматлар)
- **Маҳаллий иқтисодиёт ва туризмни ривожлантириш:** маҳаллий иқтисодиёт ва туризмни ривожлантириш учун сув ҳавзалари, дарёлар, сойлар, сув омборлари, кўллар бўйларида зарур инфратузилмани яратиш
- **Режалаштириш ва техник-иқтисодий асослаш**
- **Геофазовий маълумотлар инфратузилмаси**

RforR қуйидагиларни молиялаштирмайди

- **Юқори ёки сезиларли хавфга эга фаолият**, жумладан Ўзбекистон Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қонунчилигида I ёки II тоифага (мас равишда юқори ёки ўртача хавфли) киритилган ва миллий даражада Давлат экологик экспертизасини (ДЭЭ) талаб қиладиган фаолият
- Электр ишлаб чиқариш станциялари; тўғонлар; автомагистраллар; шаҳар метро тизимлари; темир йўллар ва портлар; муҳандислик чиқинди полигонлари, ёқиш қурилмаларини қуриш ва ўрнатиш; қаттиқ чиқинди полигонларини бошқариш билан боғлиқ фаолият; ёки чиқинди полигонлари фаолиятини тугатиш
- Қуйидагиларни ўз ичига олган фаолият: **мажбурий ер олиб қўйиш ва жисмоний/иқтисодий кўчириш, шу жумладан ерларни мажбуран топшириш**

PforR қуйидагиларни молиялаштирмайди

- Қўриқланадиган ҳудудлар ёки миллий паркларга сезиларли хавф туғдириши мумкин бўлган лойиҳалар; ва ишлаб чиқариш ёки саноат қайта ишлаш объектлари.
- Қуйидагиларни сотиб олиш ёки улардан фойдаланиш: **тақиқланган/чекланган пестицидлар, инсектицидлар, гербицидлар** ва бошқа хавфли кимёвий моддалар (миллий қонунчилик ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) томонидан 1А ва 1Б тоифадаги пестицидлар сифатида тақиқланган моддалар).
- **Жисмоний маданий меросга таъсир кўрсатадиган** ҳар қандай фаолият, масалан, қабрлар, ибодатхоналар, черковлар, тарихий ёдгорликлар, археологик жойлар ёки бошқа маданий иншоотлар.
- **Низоли ҳудудда** ёки белгиланмаган чегара чизиғи(лари)да жойлашган ҳар қандай фаолият.

RforR қуйидагиларни молиялаштирмайди

- Вақтинчалик хусусиятга эга деб ҳисобланган **инвестициялар**, масалан, шағалли йўллар, вақтинчалик кўчириш жойлари.
- **Инвестиция режаларига киритилмаган** инвестиция лойиҳалари.
- Қуйидагиларга инвестициялар: **кредитлар, бошқа микрокредит схемалари** ва бошқа қимматли қоғозлар.
- **Даврий харажатлар**, жумладан, иш ҳақи, коммунал тўловлар (масалан, электр энергияси ва сув) ҳамда ижара тўловлари.
- Бошқа ривожланиш ҳамкорлари дастурлари/грантлари **томонидан молиялаштириладиган инфратузилма харажатлари**